Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 30 январь жума

Сотувда эркин нархда. № 22 (1803)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИ «АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон давлатчилигини барпо этиш ва жаҳон ҳамжамиятида миллатимиз обрўсини юксалтириш, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувликни мустаҳкамлаш, маданий қадриятларни асраб қолиш ва ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов "Амир Темур" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 декабрь.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири

Фидойи

Соғилиб ётади олтин ва гавҳар
Тоғларнинг қаърида ё қумлоқ сойда.
Кимдир заҳмат чекиб етмаса агар,
У пинҳон бойликдан, айтинг, не фойда.

Бедов от кезади ғўлларда яйдоқ,
Фалакка етгудек шаҳди, шиддати.
Ёвқур бир чавандоз бўлмаса бироқ
Айтинг, ичқармиди доғи, шуҳрати.

Асрий жумбоқни ҳам бир фозил ечгай,
Дарғасиз кеманинг сузмоғи гумон.
Кимдир ҳаловату уйқудан кечгай
Шундан Ватан тинч, халқи ҳам омон.

Фидойи Инсонлар: балки раҳнамо,
Балки оддий зотдир — ҳар қайда бордир.
Улар унутгайлар ўзин доимо
Чунки қўлловчиси Парвардигордир.

Бор бўл, эзгуликка бахшида ҳаёт,
Заҳматинг туфайли етдинг ниятга.
Шоҳмисан, фуқаро — энди умрбод
Даҳлдор бўлдинг сен Абадиятга.

ЭЪТИРОФ

ЙЎЛБОШЧИ

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилганида юртимизнинг биринчи Президенти ҳали 50 ёшдан эндигина ўтган миқти жуссали, ажинсиз юзларидан нур ёғилиб турган навқирон қиёфада эди. Албатта, у ўша куни улуғ бир тарихий вазифани адо этганини, Мустақилликнинг Бош меъмори бўлиш бахти насиб этганини ўйлаб, ўзини бахтиёр ҳис қилган бўлса, ажаб эмас.

Аммо, кўп ўтмай маълум бўладики, юксак минбардан туриб, мустақилликни эълон қилиш, унинг йўлбошчи сифатида бажарган ва келажакда бажармоғи лозим бўлган ишлари орасида нафақат энг шарафлиси, балки айни чоғда, энг осони ҳам экан.

Ислом Абдуғаниевич Каримов президентлик лавозимига келган кезларда замон оғир, кечаги иттифоқда алғов-далғов авж олган, кўп жойларда тўплар гумбирлаб, кўча-кўйлар танкларнинг ваҳимали садосига тўлиб кетганди. Ўзбекистон ҳам тўрт томони ёнғин билан қуршалган оролга ўхшарди. Мустақил юртнинг дўстлари ҳам, душманлари ҳам кўп бўлар экан. Аммо, «дўстинг юзта бўлса ҳам оз, душманинг битта бўлса ҳам кўп» деган мақол бор. Ўша душманларимиз ўта маккорлик билан мустақиллик йўлидаги биринчи қадамларимизданоқ бизнинг уйимизда ҳам ёнғин чиқаришга, халқ бошига қирғину ихтилофлар балосини ёғдиришга ҳаракат қилишди. Тошкент, Фарғона, Паркент, Ўш воқеалари ҳали эсимизда, ҳали уларнинг излари битгани йўқ.

Ўшанда эркинлик йўлида атак-чечак қадамларини қўя бошлаган халқ ҳам, унинг биринчи Президенти Ислом Каримов ҳам жуда жиддий ва қалтис синовга дуч келган эди. Қатъият ва матонат билан ҳаракат қилмоқ, айни чоғда ҳамма нарсани етти эмас, етмиш ўлчаб, бир кесиш талаб қилинарди. Ислом Каримовнинг йўлбошчи сифатидаги иродаси, қатъияти, донолиги намоён бўлди, унинг раҳбарлигида тутаб келаётган ёнғин ўчоқлари ўчирилди, ўлкада тинчлик ва осойишталик қарор топди. Ўша кезларда ва кейин ҳам турли вилоятлар ва туманларда юзлаб одамлар билан учрашганман. Улар, айниқса, қариялар эрта тонгда ҳам, кундуз ҳам, дастурхон устида ҳам, шунчаки суҳбатларда ҳам тинчлигимиз, хотиржамлигимиз учун шукроналар айтишар, шу барқарорликни барпо этишда жонбозлик кўрсатган йўлбошчимиз шаънига дуолар ўқишарди. Дарҳақиқат, ўша таҳликали кезларда Президент бир дақиқа ҳам тиним билгани йўқ, эртаю кеч воқеалар марказида бўлди, катта-кичиклар билан маслаҳатлашди, одамларга ҳамдард бўлди. Мен, масалан, Президентнинг машина боролмайдиган олис тоғ қишлоқларига от миниб борганини эшитганман. Юртимиздаги барқарорлик ана шундай катта жасорат ва улкан ғайрат эвазига барпо этилган.

Эҳтимол, сиз – азиз ўқувчим, ана, барқарорлик ҳам ўрнатилди, энди бундан буёғига бемалол яна роҳат қилса ҳам бўлаверади, деб ўйларсиз? Йўқ, дам, истироҳат, ҳузур қаёқда дейсиз? Яна узлуксиз меҳнат, яна изтиробли изланишлар, яна юрт учун, одамлар учун поёни йўқ куйиб-ёнишлар. Ҳа, Президентнинг қисмати шунақа, чунки унинг зиммасида шу ўлкада яшайдиган ҳар бир одам учун масъулият юки бор. Йигирма тўрт миллионнинг ҳар биттаси инсон, ҳар битта одамга кийим-кечак, бошпана керак, хўжаликларга боғча, мактаб, катталарга меҳнат қилиб, тириклигини бемалол ўтказмоқ имкони зарур. Хўш, уларни таъминламоқ учун нима қилмоқ керак? Умуман, қайси йўлдан борилса, тўқлик ва фаровонлик манзилига етиб борилади? Адолат ва диёнат салтанатига, ҳақиқат ва инсоф ўлкасига элтадиган омиллар қаерда? Бу саволларнинг аниқ жавобини ким билади? Ҳар куни оёқ остидан қўзиқориндай бодраб чиқадиган минглаб муаммоларнинг ечими қандай бўлади? Бу саволларга жавобни, муаммолар калитини ташқаридан биров олиб келиб бермайди, уларни ўз идрокинг, ўз билимларинг билан ўзинг ҳал қилмоғинг керак. Хуллас, янги жамият қурмоқ зарур. Уни қуриш учун танланган йўл тўғри эканлигига одамларни ишонтирмоқ зарур, фақат шундагина одамлар комил ишонч билан бу йўлдан юрадилар. Муаммолар кўп эди, хилма-хил эди. Энг муҳими шундаки, уларнинг ҳаммаси ҳам муҳим, долзарб, ҳал қилиниши кечиктириб бўлмайдиган муаммолар эди.

Йўлбошчимиз Ислом Каримов ишни Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига эш қилишдан, уни дунёга танитиб, халқаро нуфузини оширишдан бошлади. Бу айтишга осон, аммо амалга ошириш ҳаддан ташқари қийин эди. Гап шундаки, ўтмишда инсоният тарихида катта роль ўйнаган Ўзбекистонни бурунги замонда ҳеч ким танимас эди. Чунки ўтмишда «Ўзбекистон» деган давлат бўлмаган, шўролар замонида эса номигагина шундай республика бўлиб, у жаҳон билан алоқасини фақат марказ орқали амалга оширарди. Марказнинг рухсатисиз биронта ўзбекнинг хорижга бориб келиши ёки бирорта хорижликнинг Ўзбекистонга келиб кетиши мумкин эмас эди.

(Давоми 2-бетда).

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий кўмитасининг мажлиси бўлди. Унда ташкилий кўмита аъзолари, вазирлик, кўмита, концерн, уюшма, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур кўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Умумхалқ байрами асосий томошасининг сценарийси ва уни саҳналаштириш ишларига тайёргарлик ҳақида сценарий муаллифи Абдулла Орипов, бош режиссёр Рустам Ҳамидов, "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси бош директори Анор Назаров, пойтахтда Наврўз байрамига тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов, вилоятлардан пойтахтга келадиган бадиий жамоаларнинг тайёргарлиги ҳақида маданият ишлари вазири Ҳайрулла Жўраевнинг ахборотлари тингланди.

Мустақиллигимизнинг еттинчи баҳорида нишонланадиган бу галги Наврўз ҳам меҳрибонлик, ободончилик ва бунёдкорлик байрамига айланади. Тошкент шаҳридаги ва вилоятлардаги кўпгина турар-жой бинолари, спорт иншоотлари ана шу байрам арафасида фойдаланишга топширилади. Мамлакат бўйлаб кенг миқёсда озодагарчилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади. Байрам кунлари етим-есирларга, ночор оилаларга совға-салом улашилади. Бундай ғамхўрлик қариялар уйлари ва меҳрибонлик уйларига ҳам кўрсатилади.

Байрам шодиёналари ҳам ўзгача шукуҳда ўтади. Асосий тантаналар Алишер Навоий номидаги миллий боғда бўлади.

Президентимиз бу йилни Оила йили деб эълон қилди. Шу боис байрам тадбирларида бу мавзуга алоҳида аҳамият берилади. Вилоятлардан оилавий ансамбллар таклиф этилади.

Наврўз умумхалқ байрамининг асосий тадбирида қарийб тўрт минг киши иштирок этади. Дастурнинг ҳар бир бўлими янги куй, қўшиқ ва рақс билан бойитилади. Бу эса бастакору балетмейстерлардан катта куч ва маҳорат талаб қилади. Ижодкор ва санъаткорларимиз бу борадаги тайёргарлик ишларини аллақачон бошлаб юборганлар.

Йиғилиш иштирокчилари байрам томошасининг сценарийси, шодиёналарни мазмунли, қизиқарли ўтказиш ҳақида, шунингдек, Наврўз кунлари кўчаларни безайдиган шиорлар хусусида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Байрам кунлари пойтахтимизда савдо ярмаркалари ташкил этилади. Миллий боғда халқ ҳунармандлари ярмаркаси очилади. Унда "Усто", "Мусаввир" бирлашмалари билан бир қаторда, вилоятларда фаолият кўрсатаётган кўплаб якка ҳунармандлар ҳам қатнашади. Тошкентда, вилоятлар марказларида, қишлоқу маҳаллаларда сумалак, ҳалим пиширилади.

Мажлисда барча вазирлик, идора ва ташкилотларга байрамга тайёргарлик кўриш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ташкилий кўмита мажлисида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов, Бош вазир ўринбосарлари Алишер Азизхўжаев, Комилжон Раҳимов, Мираброр Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА)

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳу, Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз жаноби олийларини Саудия Арабистони подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табриклаб, Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса осойишталик ва равнақ тилашдан беҳад хурсандман.

Аллоҳ Таоло ушбу улуғ айём кунларида барчамизга иймон, барака ва Ислом умматига хайр ва равнақ ато этсин.

Камоли эҳтиром ила,
Биродарингиз, икки муқаддас масжид ходими

Фаҳд бин Абдулазиз Ол САУД, Саудия Арабистони Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Ислом уммати учун фарз бўлган, руҳан ва жисмонан покланиш ойи бўлмиш Муборак Рамазон ойининг тугаши ҳамда Ийд ал-Фитр кириб келиши муносабати билан Сиз жаноби олийларини табриклаб, самимий истакларимизни йўллашдан ғоят хурсандмиз.

Аллоҳдан Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, офият, биродар халқингизга эса орзу-тилакларининг рўёбга чиқишини тилаймиз.

Ушбу улуғ айёмда узоқ тарихий меросга, инсоний ва табиий қудратга эга Ислом уммати мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, руҳий тикланишини, эришган ва эришаётган ютуқлари ҳамда равнақини нишонлаймиз.

Аллоҳ Таолодан Ислом умматига доимий иймонни, ўз кароматини ва Қуддус аш-Шариф бошчилигидаги ерлари озод бўлишини сўраймиз.

Камоли эҳтиромларимизни қабул этгайсиз.

Биродарингиз ҲАСАН II, Марокаш Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Қувончли Рамазон байрами — Ийд ал-Фитр муносабати билан Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги халқи ва ҳукумати Сиз жаноби олийларига энг самимий табрикларимни изҳор этишда менга қўшиладилар.

Сизга мустаҳкам саломатлик ва бахт, қардош ўзбек халқига равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

ҲУСАЙН I, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигининг Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларини ва дўст Ўзбекистон халқини самимий табриклайман.

Ушбу муборак айёмларда Аллоҳ субҳонаҳу ва Таолодан Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, халқингизга ва Ислом умматига хайр-барака ато этишини сўрайман.

Ҳофиз ал-АСАД, Сурия Араб Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳу,

Муқаддас Рамазон ҳайити — Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий табрикларим ва энг яхши истакларимни йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Шу қутлуғ воқеа муносабати билан қодир Аллоҳ бизлдан марҳаматини дариғ тутмасин.

Сиз жаноби олийларига мустаҳкам саломатлик ва эсон-омонлик, қардош Ўзбекистон Республикаси халқига эса мустаҳкам тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилайман.

Шаҳобуддин АҲМАД, Бангладеш Халқ Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Қутлуғ Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз жаноби олийларига ҳамда мамлакатингизнинг биродар халқига самимий табрикларимиз ва энг яхши тилакларимизни етказишдан бағоят мамнунман. Қодир Аллоҳдан мусулмон умматига Ийд ал-Фитрни чин исломий руҳда нишонлаш — Аллоҳ берган неъматларни муҳтожлар билан баҳам кўриш имкониятини беришини сўраб илтижо қиламан.

Маъмун Абдул ҚАЮМ, Малдив Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу баракотуҳу,

Ийд ал-Фитр муносабати билан Сизга ва мамлакатингизнинг дўст халқига ўзимнинг номимдан ҳамда Қувайт халқи номидан самимий қутловларимизни етказишдан бағоят мамнунман. Аллоҳдан бундай муборак кунларга яна мустаҳкам соғлиқ ва хуш кайфиятда етишишни, биродар мамлакатингизга ривож, Ислом дунёсига олийжаноблик ва мустаҳкамлик сўраб илтижо қиламан.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила,

Жобир ал-Аҳмад ас-САБОҲ, Қувайт давлати амири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Ийд ал-Фитр муносабати билан Сизга ва мамлакатингизнинг дўст халқига ўзимизнинг самимий қутловларимизни етказишдан бағоят мамнунман. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга бахт-саодат ва мустаҳкам соғлиқ тилайман. Қодир Аллоҳдан бутун дунё мусулмонларига баракот ва омонлик, Ислом умматига доимий тинчлик, ривож ва бирдамлик сўраб,

Қобус бин САИД, Уммон султони

ЭЪТИРОФ

ЙЎЛБОШЧИ

(Давоми. Боши1-бетда).

Бир сўз билан айтганда, дунёга ўзбекнинг кимлигини уқтирмоқ керак эди. Буни қуруқ хитоблар, ҳужжатлар билан ёхуд бежирим дипломатик табассумлар ёрдамидагина ҳал қилиб бўлмасди. Жаҳоннинг манаман деган сиёсатчилари ўзбекнинг зукколигига, фаросатига, ҳалоллигига, бағри кенглигига тан бермоғи керак эди, шундагина Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кирмоғига йўл очиларди. Шундоқ бўлди ҳам. Жаҳон сиёсатчиларининг кўпчилиги — президентлар, қироллар, подшоҳлар, премьер-министрлар, вазирлар, дунёга донг таратган миллиардер-бизнесменлар, фан ва адабиёт намояндалари Президент билан учрашди, у билан суҳбатлашди, унга илмоқли ва илмоқсиз, мураккаб ва жўн саволлар берди, уни таниш орқали Ўзбекистон ҳақида ҳам, ўзбеклар тўғрисида ҳам тасаввур ҳосил қила бошлади. Бу тасаввур кўп ҳолларда ижобий бўлди.

Менга бир воқеани айтиб беришган. Парижда Президент китобининг тақдимоти бўлибди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор жаноблари бир ёққа учмоқлари керак экан, бироқ тақдимотни эшитиб, самолётни тўхтатиб қўйиб, мажлисга келибди-да, қисқа нутқ сўзлабди. У айтибдики, мен дунёдаги икки юзга яқин мамлакатни кезиб чиққанман, уларнинг маданий-тарихий ёдгорликлари билан танишганман, лекин ҳеч қаерда Самарқандда бўлганимдаги каби ҳаяжонланмаган эдим. Улуғбек расадхонасида жаноб Президент менга устурлобни кўрсатди. Улуғбеклар, Али Қушчилар қўли теккан бу асбобни қўлга олар эканман, гўё ўзимни XV асрга бориб қолгандек, Улуғбек каби буюк олимлар билан ҳамнафасдай ҳис қилдим. Ҳозирга қадар ҳам ўша ҳаяжон бот-бот бутун вужудимни қамраб олади. Ўшанда жаноб Ислом Каримов Улуғбекнинг «Зижи Кўрагони» асарини кўрсатди. Мен ҳам шарқ илмидан хабардорлигимни кўрсатиб қўйиш учун «Жуда зўр асар. Ҳозирги компьютерларнинг таҳлилига кўра, Улуғбек юлдузлар ҳаракатини аниқлашда бор-йўғи ярим минутга адашган экан» дедим. Ислом Каримов ялт этиб менга қаради-да, лабларида ним табассум билан жавоб берди: «Йўқ, жаноб Федерико, Улуғбек адашмайди, компьютерларингиз хато қилган бўлиши керак». Бу жавобни эшитиб, жаноб Каримовнинг ўз халқини нечоғлик севишини, ўзбек олимларининг ютуқларидан нечоғлик фахр қилишини яна бир бор ҳис қилдим».

Жаҳоннинг кўпгина донгдор одамлари Президентимиз ҳақида, унинг салоҳияти тўғрисида ана шундай илиқ гапларни кўп айтишган. Қизиқ, ҳар гал шунақа фактларга дуч келганда, киши қалби ўз Президенти учун ифтихор туйғуларига тўлиб-тошар экан. Шу тарзда сон-саноқсиз сафарларда, беҳисоб суҳбатдошлар, зиёфатлар, симпозиумларда бирда ҳазил билан, бирда қатъият билан, бирда босиқлик билан бу дунёнинг «манаман» деган арбобларини ўзига ром этди.

Унинг саъй-ҳаракати боис Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ошгандан ошаборди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг пештоқида республикамиз байроғи мағрур ҳилпирайдиган бўлди, ўнлаб халқаро ташкилотларнинг эшиклари Ўзбекистон учун ланг очилди, қанчадан-қанча мамлакатлар Тошкентда ўз элчихоналарини ва бошқа ваколатхоналарини очди, ўзбек дипломатлари эса жаҳон пойтахтларида ўз қароргоҳларини танлай бошладилар. Бутун дунёнинг кўзга кўринган ишбилармонлари ўзбеклар билан ҳамкорлик қилишга киришди. Ўнлаб хориж мамлакатларга ҳаво йўллари очилди. Жаҳон саноатининг янгиликлари Ўзбекистонга оқиб кела бошлади. Бугун буларни кўрган ҳар қандай кўнгли тўғри одам Ўзбекистоннинг келажаги чиндан ҳам буюк эканига имон келтиради. Бу улкан ишлар бор-йўғи етти йил ичида амалга оширилди.

Мамлакат ичидаги ишлар ташқи ишларга қараганда юз чандон қийин бўлса бўлдики, осон кечгани йўқ. Бизга ўтмишдан шўролар тарбиясини кўриб шаклланган, кўпгина фазилатларидан маҳрум қилинган, фикрлашга эринадиган, ҳамма нарсага лоқайд қарайдиган, миллат ғурури онгидан ситиб чиқарилган одамлар мерос бўлиб қолган эди. Хуллас, Ўзбекистоннинг чиндан ҳам мустақил бўлишини таъминламоқ учун, унда зарурий ислоҳотлар ўтказиб, ҳаётни тубдан янги изга солиб юбориш учун, аввало, одамлар психологиясида, дунёқарашида ўзгариш ясаш керак эди. Бу осон иш эмас, албатта. Президент одамлар психологиясини ўзгартиришни жамиятда демократияни жорий этишдан бошлади.

Қизиқ, ҳеч қайси ривожланган жамият демократиясиз яшолмайди ва шу билан бирга «демократия нима?» деган саволга лўнда жавобни биладиган одам жуда кам учрайди. Шунинг учун ҳам бу масалада, у билан боғлиқ равишда инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқлари масаласида жуда кўп тортишувлар, баҳслар бўлди. Кўпгина одамлар «эркинлик чегарасиз бўлмоғи керак! Ҳар қандай одам демократик жамиятда кўнглига келган ишни қилаверсин! Унга ҳеч ким хўжайинлик қилмасин. Ҳеч қандай таъқиқлар, маън этишлар бўлмасин», деган гапни айтишади. Бир қараганда бу гаплар тўғрига ўхшайди, ахир, нима биландир чекланган эркинлик тўмтоқ, кемтик эркинлик бўлмайдими? Лекин... Шу гапларни тўғри деб ҳаётга жорий қилсак, нима бўлади? Мен метро вагонига кирсаму «ёлғиз ўзим кетгим келяпти» деб ундаги йўловчиларни қувиб чиқарсам? Ёки ёзувчи эркинлигини деб қилиб, шаҳвониятни улуғлаган асарини менга тиқиштирса, мени ҳам ўзи билан бирга турли кир латталарни титкилашга, бўлар-бўлмас иғволар билан шуғулланишга ундаса? Биз «демократия» десак-да, энди инсоний табиати шаклланиб келаётган ўғил-қизларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, улар «эркинман» деб чекса, ичса, безорилик қилса, бошқа ёмон йўлларга кириб кетса... «Демократия» дегани шуми? «Эркинлик» дегани шуми? Бунақа меъёрлар билан иш юритсак, жамият боши берк кўчага кириб қолмайдими?

Демократиянинг ҳудудлари, эркинликнинг чегараси бўладими-йўқми, билмайман, лекин шуни аниқ биламанки, демократик жамият дегани тизгинсиз, бош-бошдоқ, зўравонлик жамияти эмас. Эркинликнинг моҳияти нима эканини икки минг йил аввал яшаб ўтган машҳур рим нотиғи Цицерон чиройли қилиб айтган экан: «Эркин бўлмоқ истагидаги ҳар қандай одам қонуннинг қули бўлмоғи керак».

Президентимиз бу ҳақиқатни чуқур англаб етган. Шунинг учун у биз қурмоқчи бўлган янги жамиятда қонун устувор бўлишини тарғиб қилади. Қонун олдида ҳамма тенг бўлмоғи керак. Албатта, қонун қабул қилингандан кейин у ишламоғи лозим. Бироқ, афсуски, атиги етти йил ичида ҳаётнинг ҳар саҳифасида, ҳар бобида фақат қонун кучи билангина иш юритишга эришиб бўлмайди. Бизнинг жамиятимизда кечаги кундан қолган ва бугунги номукаммал шароитларда болалаб бораётган иллатлар анча-мунча бор. Ислом Каримов бу иллатларнинг нима эканлигини жуда яхши билади, уларга қарши ғоят қатъият ва шиддат билан кураш олиб боради. Энг муҳими шундаки, бу борада дастлабки ютуқларга эришилди.

Бир мисол. Эсингизда бўлса, яқин-яқинларда олий ўқув юртларида порахўрлик авжига чиққан эди. Бунинг оқибатида ҳар йилги имтиҳонлардан ё зари борнинг, ё зўравоннинг боласи ўтар, бу эса жамиятдаги адолатсизликни кучайтирарди. Албатта, олий ўқув юртларининг домлалари орасида порадан ҳазар қиладиганлари, унга яқин йўламайдиганлари ҳам бор эди. Аммо улар ҳам юзлари шувут бўлиб, бошлари маломатдан чиқмас эди. Ислом Каримов қабул имтиҳонларида тестни жорий қилди, назоратни кучайтирди, учтўртта қўли эгриларни қаттиқ жазолади. Қарабсизки, ириб-чириб кетган соҳа кўз ўнгимизда ўзига кела бошлади, адолат тикланди, фақат билимли ёшларгина ўқишга кира бошлади. Ҳар ҳолда «фалон институтга фалонча бердим» қабилидаги гаплар ўз-ўзидан тўхтади. Қанчадан-қанча оддий одамлар «қилса бўлар экан-ку», деб енгил нафас олди ва яна Президентнинг ҳақига дуо қилмоқ учун қўл кўтаришди.

Президент Ислом Каримовнинг юртимиз равнақи йўлида қилаётган ишлари ҳақида гапирганда, уларнинг яна бир жиҳатини алоҳида таъкидлаш шарт. Бу — маънавият борасидаги ишлардир. Ислом Каримов тийран билим эгаси сифатида яхши биладики, бугунги дунёда фақат моддий бойликлар, техника тараққиёти соҳасидаги ютуқлар билан чекланиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг келажаги буюк экан, буни фақат ҳар томонлама комил инсонларгина ярата олади. Маънавий қашшоқ одам фақат манқурт бўлиши мумкин. Манқурт эса на Ватанни билади, на онани танийди. Манқурт ёвузлар қўлида қурол бўлади, холос. Ислом Каримов буни жуда яхши билади ва бизнинг одамларимиз маънавият масалалари ҳақида узлуксиз ўйламоқлари кераклигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам у ҳеч иккиланмай ўзини Ўзбекистондаги маънавиятнинг асосий ҳомийси деб эълон қилди. Шунинг учун халқ маънавиятининг юксалишига хизмат қиладиган бирорта соҳадан маблағ аяётгани йўқ. Кейинги иккиуч йил ичида Тошкентда, Самарқандда, Бухорода, Андижонда ва яна бошқа шаҳарларда шундай иморатлар қурилдики, улар бугун жаҳон меъморчилигининг энг ноёб ва мукаммал намуналари қаторидан ўрин олмоғи мумкин. Ажаб эмаски, бугун биз Самарқанду Бухорода ёки Хивада бобокалонларимиз қуриб кетган биноларга ҳам қандай ғурурланаётганлигимизни ҳис қилсак, бизнинг невара-чеваларимиз ҳам ҳозир биз қураётган иморатларни ҳаммага кўз-кўз қилиб фахрланиб юрсалар.

Сўнгги йилларда халқ истеъдодларининг гуллаб-яшнашига катта ғамхўрлик қилинмоқда. Кўп узоққа бормайлик — фақат биргина 1997 йилда бўлиб ўтган байрамлардаги концертларни эслайлик. Мустақиллик куни, «Ўзбекистон — Ватаним маним» танлови, «Шарқ тароналари» ва яна... Шу концертларни кўриб ўтириб, кўзларимга ёш келди, уларнинг ҳаммаси ҳам мазмунан, ҳам шаклан турфа хил ва баркамол, бирбирини такрорламайди. Беихтиёр ўйлаб кетасиз — халқимиз бунча истеъдодли бўлмаса?! Қаерда ётган эди шунча истеъдод? Гўё улар ер остида ётган булоқ эди-ю, бирдан булоқнинг кўзи очилиб, истеъдодлар қайнаб чиқа бошлади.

Кейинги йилларда шахсан Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати билан республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маънавият» нашриёти, «Тафаккур» ва «Жаҳон адабиёти» журналлари, Хоразмда Маъмун академияси ва Тошкентда Бадиий академия ва яна бошқа ўнлаб ташкилотлар очилди, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби буюкларимизнинг, бобокалонимиз Амир Темурнинг, олим ва давлат арбоби Улуғбекнинг улуғ сиймолари тикланди. Ҳозирги кунларда эса Имом Бухорий, Ал-Фарғоний, Камолиддин Беҳзодларнинг саналарини, буюк халқ эпоси «Алпомиш»нинг минг йиллигини нишонлашга тайёргарлик кетяпти. Чиндан ҳам улуғвор ишлар! Улуғ халққа ярашадиган катта ишлар! Шуларни ўйлаганда, Мустақиллик эълон қилингандан бери ўтган бор-йўғи етти йил ичида шунча иш қилинганига мағрурланиб кетасан киши.

Кейинги пайтларда телевидение орқали ёхуд бошқа йиғинларда, учрашувларда, мажлисларда Ислом Каримов халққа мурожаат қилиб, чуқур ҳаяжон ичида «Азиз дўстлар, мен сизларни яхши кўраман, ҳаммаларингизни бағримга босгим келади» деган гапни бир неча марта такрорлади. Эътибор берган бўлсангиз, бу гапларда ясамалик йўқ эди, улар қалб қаъридан сизиб чиққан самимий гаплар. Президент чиндан ҳам Ўзбекистон халқини бағрига босгиси келади, бисотида бор жамики бойлигини, жамики муҳаббатини унга бағишлашни истайди. Бу гапни фақат сўзма-сўз тушунмаслик керак. У юртнинг келажагини ўйлайди, бу юртда ҳар бир хонадоннинг тинч, осойишта ҳаёт кечиришини, унинг дастурхонидан файз-барака кўтарилмаслигини истайди. Эҳтимол, бу қутлуғ орзу ҳали тўла ушалиб улгурмагандир, эҳтимол ҳали номукаммал ҳаётимизда кемтиклар анча-мунча топилар. Бу табиий, янги жамият бир кунда қурилмайди. Энг муҳими — шу олижаноб ният йўлида изланмоқ ва меҳнат қилмоқдир.

Йўлбошчи бўлиш шарафли, лекин жуда қийин иш. Ахир, йигирма тўрт миллион кишилик юртнинг юки енгил бўладими? Билмадим, Президент бирор куни лоақал уч-тўрт соатга юрт ташвишини қилмай; фақат ҳузур-ҳаловатга берилиб, истиқомат қила оларми-кан? Менимча, бунинг имкони бўлмаса керак. Йўлбошчилик — тинимсиз меҳнат, тинимсиз изланиш, туни тонгга уланиб кетадиган уйқусиз кечалар. Бунинг эвазига эса фақат бир мукофот — бугунги ўзбек дўпписини бошига қўйиб, ҳеч кимдан ўзини паст кўрмай, қаддини ғоз тутиб, гердайиб юрса, дунёнинг ҳар бурчагидаги одамлар «ўзбек» деганни эшитганда ички бир ҳурмат ва тавозеъ билан бир тин олиб қўйса, бас!

Озод ШАРАФИДДИНОВ.

ЕР КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ ер умуммиллий бойлик ҳисобланади. Ва у давлат муҳофазасидадир. Зеро, барча табиий бойликлар, ҳайвонот дунёси, ўсимликлар олами ер қучоғидадир. Шу боис мамлакатимизда ерни асраб-авайлаш, ундан самарали фойдаланиш, ер қатлами унумдорлигини сақлаб қолиш, уни турли емирилиш ва эррозиядан сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗ

Олий Мажлиснинг X сессиясида биринчи ўқишда қабул қилиниб, жамоатчилик муҳокамасига қўйилган «Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси» лойиҳаси ер муносабатларини тартибга солиш ва ердан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қиладиган ҳуқуқий асосларни ўзида мужассамлаштирган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, лойиҳада Ўзбекистон Республикасининг ер фонди, ер ресурсларини бошқариш қоидалари, ерга бўлган мулкчилик, ер эгаси ва ердан фойдаланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ер таркибининг ҳолатлари, ерни муҳофаза қилиш механизми батафсил ёритилган.

Кодекс лойиҳаси ҳозир амалда бўлган «Ер тўғрисида»ги қонундан тубдан фарқ қилади. Унда мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида вужудга келган янги иқтисодий муносабатлар, янги ҳолатлар ўз аксини топган. Бу лойиҳанинг ҳаётийлигини янада кучайтиради.

Биз Кодекс лойиҳасини жамоамизда атрофлича ўрганиб чиқдик. Ва шу аснода айрим мулоҳазалар туғилди. Лойиҳанинг «Умумий қоидалар» деб аталган I бобининг 7-моддасидан сўнг «Ер муносабатларини тартибга солишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари» деб номланган янги модда киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Унда қишлоқ ва шаҳарча (посёлка) фуқаролар йиғинларининг раислари фуқароларга шахсий ёрдамчи ва деҳқон (фермер) хўжалигини юритиш учун ажратиб бериладиган ер участкалари тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаш, корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларнинг ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, ижарага бериш ҳуқуқларини тўхтатиб қўйиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари қарамоғидаги ерлар таркибига қирмайдиган, қишлоқ ва шаҳарча (посёлка) аҳоли пунктлари чегарасидаги фойдаланилмаётган ерларни олиб қўйиш ҳамда улардан мақсадли фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шахсий ёрдамчи хўжаликларни белгилаш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишни назорат қилиш сингари қатор масалаларни ҳал қилиш тартиблари ифода этилса, яхши бўларди.

Маълумки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимиятининг энг муҳим бўғини саналади. Мазкур органлар ердан фойдаланишни доимий назорат қилиш имкониятига эга. Шундай экан, лойиҳага юқорида билдирилган таклифга қўшимча равишда ўзини ўзи бошқариш идораларининг ваколатлари қаторига қуйидаги масала ҳам киритилса, кўнгилдагидай иш бўларди:

— ер майдонларига мулкдорлик, ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни, ерни ижарага бериш-олиш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ушбу шартномалар амал қилиши устидан назорат олиб бориш;

— юридик ва жисмоний шахслар ернинг мелиоратив ҳолати ва таркибини яхшилаш чораларини кўрмасалар, уларнинг ерга эгалик қилиш ҳамда ердан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиш ҳақида ваколатли давлат бошқаруви органи ёки судга мурожаат қилиш;

— ердан фойдаланувчи ёки ерни ижарага олган тадбиркор ва қишлоқ хўжалиги корхонаси билан тузилган шартномалар мажбуриятлари ижросини назорат қилиш, башарти ушбу мажбуриятлар бир йил мобайнида бажарилмаса ҳамда ердан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланилаётганлиги аниқланса, ер майдонини ҳақиқий эгасига қайтариб бериш чораларини кўриш масалаларини ҳал қилиш.

Шаҳарча (посёлка) ва қишлоқ фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органларига бундай ваколатларнинг берилиши ер муносабатларини тартибга солишда катта аҳамият касб этади. Зеро, бундай ваколатлар «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда аллақачон мустаҳкамлаб қўйилган.

Кодекс лойиҳасининг 27-моддасида фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва сотиш тартиби анча батафсил ёритилган. Ушбу моддага яна қўшимча қилиб «Қишлоқ хўжалиги оборотидаги ва унумдор тупроқли ерлар якка тартибда уй-жой қурилиши учун берилмайди» деган жумла киритилса ва худди шундай қоида 26-моддада ҳам акс этса, бу ҳолат умуммиллий бойлигимиз бўлмиш серҳосил ерларимизни сақлаб қолишга хизмат қилган бўларди.

Қўчқор ТОҒАЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи.

Шаҳрисабзликларда бир одат бор: қиз бола игнага ип ўтказа-оладиган бўлгандан сўнг қўлига кашта тутқазишади, мустақил ишга ўргатишади. Токи қиз бола пазанда бўлишдан ташқари, тикувчилик, бичувчилик, хуллас, чеварликни ҳам ўргансин. Шу туфайли тумандаги «Ҳужум» бадиий буюмлар корхонаси очилганда мутахассису ишчиларни узоқдан қидиришга ҳожат қолмади. Ҳаммаси шу туманнинг ўзидан чиқди. Бугунги кунда корхона ишлаб чиқараётган гиламлар тобора харидоргир бўлиб бормоқда.

***СУРАТДА:** корхона гиламчиси Меҳринисо Жўрақулова.*

Т. КАРИМОВ олган сурат.

ҲАР ИШДА МАСЪУЛИЯТ ЗАРУР

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодиётнинг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, давлатга пахта топшириш ундан олдинги йилдагига қараганда 65 минг тонна кўпайди. Чигит плёнка остига экилган далаларда, айниқса, юқори самарадорликка эришилди. Қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш, аҳолини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш анчагина яхшиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессиясида ана шу ҳақда гап борди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган хулоса ва кўрсатмалар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди. Жўқорғи Кенгес Раиси Т.Камолов шу хусусда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар эришилган ижобий натижаларни қайд этиш билан бирга йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезда бартараф этиш зарурлигига асосий эътиборни қаратдилар. Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа ва Хўжайли туманларидаги баъзи хўжаликларда шоли ҳосилдорлиги, айниқса, паст бўлди. Айрим туман ва хўжаликларнинг раҳбарлари ишга масъулиятсизларча ёндашиб, уруғчиликни ривожлантириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга жиддий эътибор бермагани, агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилмагани бунга асосий сабаб бўлди.

А.ИСКАНДАРОВ,
ЎзА мухбири.

«ЮТУҚЛАРИНГИЗДАН ХУРСАНДМИЗ»

Г. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академияси президенти, академик В. Видяпиннинг Тошкент Иқтисодиёт университетида республика олий ўқув юртлари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқи

Муҳтарам касбдошлар!

Илмий кенгашимиз Ўзбекистон Республикаси Президентига Г.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академияси фахрий доктори илмий даражасини бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Мен вакили бўлган таниқли олимлар делегацияси Ислом Абдуғаниевич Каримовга диплом, шунингдек, амалдаги анъаналарга мувофиқ академик мантияси, эсдалик медали ва академиянинг бошқа тимсолларини топшириш маросимида иштирок этиш бахтига муяссар бўлди.

Энди бундай қарор қабул қилиш сабабларини изоҳлаб беришимга рухсат этгайсиз. Бу қарор тасодифан қабул қилинган эмас. Президентингизга халқаро илмий доираларда катта нуфузга эга бўлган Россия Иқтисодиёт Академиясининг фахрий доктори деган юксак унвон мамлакатингизда амалга оширилаётган янгиланишлар туфайли берилди. Бу — Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва демократик ўзгаришларнинг ижобий натижалари Россия илмий жамоатчилиги томонидан тан олинганининг ва аввало бу ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга ҳал қилувчи даражада ҳисса қўшган Президентингизнинг хизматлари эътироф этилганининг белгисидир.

Дунёда фахрий унвонлар жуда кўп. Ислом Абдуғаниевич доно, билимдон, кўп масалаларда ўз фикрига эга бўлган одам, юксак мукофотлари ҳам кўп бўлса керак. Унга Россия Иқтисодиёт Академияси дипломининг берилиши унинг меҳнатига ва мамлакатингизда амалга оширилаётган барча ўзгаришлардаги шахсий иштирокига берилган холисона баҳонинг ёрқин далилидир. Унинг меҳнати Россиядаги энг йирик илмий марказлардан бирида муносиб баҳоланганидир.

Академиямиз ҳақида бир неча оғиз сўз айтмоқчиман. У 1907 йилда Россияда дастлабки тижорат институти сифатида ташкил этилган бўлиб, узоқ вақт давомида халқ хўжалиги, режалаштириш, иқтисодиёт соҳасида мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланди ва айни пайтда тажриба ва билим тўплади. 1991 йилда институт Иқтисодиёт Академиясига айлантирилди ва у бозор тузилмаларини шакллантириш, бозор иқтисодиёти учун малакали кадрлар тайёрлаш билан яқиндан шуғуллана бошлади. Академияда Россияда биринчи бўлиб тижорат тузилмалари — инкомбанк пайдо бўлди, қўшма корхоналар, кўп тармоқли биржалар ташкил этила бошлади. Уларни тузишдан мақсад иқтисодиётни ислоҳ қилишга кўмаклашадиган мутахассисларга муайян амалий кўникмаларни сингдиришдан иборат эди.

Бозор иқтисодиёти талабларини англаб етиш йўлида биз кўп нарсани, жумладан, Ғарб мамлакатларидан ўргандик. Лекин ўтиш даври қийинчиликларига дуч келиб, кўпгина хатоларга ҳам йўл қўйдик, бозор — жиддий синов эканини англаб етдик. Тажрибанинг кўрсатишича, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ҳамма мамлакатлар ҳам бозор иқтисодиётига ўтишга тайёр эмас экан. Айни шу сабабли республикангизда иқтисодиётни ислоҳ қилишга ва бозор муносабатларининг асосларини яратишга ёндашувнинг ўзига хос хусусиятларини баҳолай олдик. Бу ерда барча ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, иқтисодиётни сиёсатдан устун қўйиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва тараққиётнинг Ўзбекистон моделини ишлаб чиқиш йўлига ўтилди. Бу йўл хориждаги жуда кўп мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот ҳақиқатдан ҳам кўпайиб бораётган, шу кўрсаткич бўйича ҳатто Россиядан ҳам ўзиб кетган ягона республика эканини таъкидлаш мен учун қувончлидир. Ўзбекистон Ҳамдўстликдаги миллий кадрлар тайёрлаш, бозор салоҳияти мутахассисларини шакллантириш муаммолари муҳимлиги ва устуворлигини англаб етган бирдан-бир республикадир. Бу масалада Ўзбекистон мазкур муаммога жуда кам эътибор берилаётган Россия олий мактабини ортда қолдириб кетди. Россия Президентининг сўнгги Фармонигина мамлакатда кадрлар сиёсатининг муҳимлигини, ниҳоят, англаб етишганини кўрсатди.

Республикангизнинг изчиллик билан ҳар томонлама ривожланаётгани бизнинг эътиборимизни жалб этмоқда. Ўтиш даврининг барча қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистон тегишли ижтимоий руҳиятни сақлаб қолган ҳолда ривожланмоқда. Иқтисодиётни ривожлантириш муаммолари ислоҳотнинг ўзини эмас, балки айни инсон манфаатларини биринчи ўринга қўйгани муҳим жиҳатдир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида давлат бошқаруви дастакларини қўлдан чиқармай, бош ислоҳотчи вазифасини бажараётган ягона республикадир. Бозор шаклланишининг бутун жараёнини давлатнинг ўзи назорат қилиб турибди ва бунинг учун тегишли шарт-шароитни яратмоқда.

Ўзбекистон аниқ белгиланган мақсад сари изчиллик билан олға бормоқда. Республика тараққиёт модели ҳозирги вақтда ҳам Россия, ҳам хориж мутахассислари томонидан ўрганилаётгани халқингиз эришган муваффақиятлар муносиб равишда эътироф этилганидан далолатдир.

Ўзбекистонга келиб, ҳақиқий ютуқлар яққол кўзга ташланиб турганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Анча вақтдан буён диёрингизда бўлмаган одам сифатида мен учун барча муваффақиятларингиз ва ютуқларингиз яққол кўринги турибди. Бу ютуқларингизни кўргач, менда ҳавас ва қувонч туйғулари пайдо бўлди. Шу билан бир вақтда Россияда бундай ютуқлар йўқлиги мени ранжитади. Сизлардаги ислоҳот жараёнларига ёндашувдан биз Россияда ҳам фойдаланишимиз мумкин эди. Иқтисодий, ижтимоий соҳада туб ислоҳотларни амалга оширишда Президент Ислом Каримовнинг хизмати ва ҳиссаси бебаҳодир. Унинг яқинда Москвада тақдим этилган "Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китоби Россия илмий доираларида юқори баҳоланмоқда. Давлатингиз бошлиғига Г.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг фахрий унвони берилишида бу асарнинг аҳамияти катта бўлди. Россия Иқтисодиёт Академиясида 23 нафар фахрий доктор бор. Улар мутахассислиги ва маълумотидан қатъи назар, ўз мамлакатлари фуқаролари фаровонлигини оширишга, жамият тараққиётига катта ҳисса қўшмоқда. Улар орасида ҳаммага танилган ва жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинган тарихий шахслар ҳам бор. Сизнинг Президентингиз ҳам, шубҳасиз, ана шундай шахслардан биридир.

Давлатингиз бошлиғи билан учрашув чоғида биз Россия ҳамда Ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг тараққиёт йўллари тўғрисида Тошкентда иқтисодий мавзуда баҳс-мунозара ўтказиш ҳақида келишиб олдик. Бу учрашув жамият тараққиётининг энг долзарб муаммолари юзасидан фикр алмашиш, тўпланган тажрибани умумлаштириш, турли мамлакатларда вужудга келган тамойилларни тадқиқ этиш ва ўрганишга ёндашувни белгилаб олишда ёрдам беради.

Менга ва касбдошларимга биргаликдаги катта ишимиз учун сабаб бўлган салмоқли муваффақиятларингиз ва ютуқларингизни ўз кўзимиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилишимизга имкон берган учрашувимиздан беҳад хурсандман. Биргаликдаги ишларимиз мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилади, деб умид қиламан.

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ АГАР

Мазкур корхона бир йил муқаддам банкротлик ёқасига келиб қолган эди. Йилни 790 минг сўмлик зарар билан якунлаган жамоа қиска давр ичида қарзлардан бутунлай қутулиб, янги йилни муайян даромад билан кутиб олди. Хўш, бундай натижага қандай қилиб эришилди?

– Аввало, ишга бўлган муносабат кескин ўзгарди, – дейди Андижон енгил таксилар парки раҳбари Ваққосхон Бердиев. – Раҳбардан тортиб оддий ходимгача – ҳамма шахсий ибрат кўрсатиб меҳнат қилмас экан, моддий манфаатдорлик хусусида сўз ҳам бўлиши мумкин эмаслигини англаб етдик.

Маълумки, транспортчиларнинг аксарияти соатбай усулида ишлайди. Улар белгиланган муддатда берилган топшириқни бажаришлари шарт. Шу боис нима қилиб бўлмасин пул топишни ўйлайди. Машинанинг техник ҳолати уларни кўпам қизиқтиравермайди.

Мазкур корхонада ҳам оз эмас, кўп эмас, етмишта машина яроқсиз ҳолатга келиб қолганлиги фикримиз исботидир. Газ, тоза ичимлик суви, электр қуввати, ёнилғи-мойлаш материалларидан хўжасизларча фойдаланилгани туфайли ҳам корхона ўтган йили синиш даражасига келиб қолганди.

Корхона раҳбарияти, хусусан, унинг бошлиғи В. Бердиев юзага келган аҳволдан қутулишнинг турли йўлларини қидиришди. Ва якдил бир хулосага келишди. Шунга кўра, ҳар бир ҳайдовчи билан ўзига биркитилган машина учун тўла жавоб бериш хусусида шартнома тузилди. Маъмурият эса ўз навбатида ҳайдовчиларга қулай иш шароити яратиш, техникалар учун зарур эҳтиёт қисмлар етказиб бериш, вақти келганда машиналарни таъмирлашни ўз зиммасига олди.

Бундан ташқари, машинани эҳтиётлаб бошқарган, ёнилғи-мойлаш материалларидан тежамкорлик билан фойдаланган ҳайдовчилар учун маъмуриятнинг қимматбаҳо совғалари таъсис этилди. Бу тадбир тез орада ўз самарасини кўрсатди. Илгари машина балонлари 40-50 минг километр йўл юриб ишдан чиққан бўлса, эндиликда у 75-80 минг километр масофага ҳам чидаш бермоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек, кўпдан буён жиддий таъмирлашга муҳтож етмишта енгил автомашина эса нафақа ёшига етиб қолган, корхонага хизмати синган тажрибали ҳайдовчиларга тақсимлаб чиқилди. Шартномага кўра, машина сифатли қилиб таъмирланади ва 1,5-2 йил мобайнида йўловчиларга хизмат кўрсатади. Шартнома мажбуриятлари тўла бажарилгач, бу машина ҳайдовчига имтиёзли баҳода сотилади. Шу тариқа корхона «бир ўқ билан икки қуённи ура» бошлади. Яъни фойдаланилмаётган машиналар ишга туширилди. Икки йилгача корхонага фойда келтирадиган бўлди. Бундан ташқари, узоқ йил ишлаган фахрий ҳайдовчи нафақага чиқар чоғида техник ҳолати дурустгина бўлган машинага эга ҳам бўлмоқда.

Бозор иқтисодиёти ҳар бир сўмдан оқилона фойдаланишнигина эмас, балки тийинлардан сўмлар ҳосил қилишни ҳам талаб этади. Акс ҳолда йил – ўн икки ой мобайнида ҳалол меҳнат қилган кишининг қўли пул кўрмай, корхонанинг инқирозга юз тутиши ҳеч гап эмас. Ташаббус ва дадиллик етишмаётган, янгиликни илғаб ололмаётган, тадбиркорлик ва омилкорлик билан иш юрита

ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ

билмаётган шахслар раҳбар бўлган корхона ва ташкилотлар озмунчами? Улар бугун бирин-кетин банкротга учрамоқда. Биз ҳикоя қилаётган корхона раҳбарияти эса иқтисодий ночорликдан чиқишнинг яна бир тўғри йўлини топди. Ишчи ўринларини қисқартирмаган ҳолда ўнлаб моҳир, қўли гул усталарни бошқа янги иш жойи билан таъминлади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, корхона қошида махсус таъмирлаш устахонаси ташкил этилди.

Вилоятдаги хўжалик ва ташкилотлар, корхона ва муассасалар тасарруфида, аҳоли қўлида бўлган таъмирталаб «Волга»ларга қайта умр бағишлашдек хайрли, долзарб ишга қўл урилди. Кафолатли хизмат йўлга қўйилди. Аввалига янги устахонада ишлашга рўйхушлик бермаганлар, қўллари мўмай пул кўргач, масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда виждонан меҳнат қила бошладилар. 40 кишидан иборат созловчилар бригадаси ўтган йили корхонага бир миллион сўмдан ортиқ даромад келтирди.

Транспортчилар кейинги пайтда корхона ҳисобидан ҳотамтойлик қилишдек яна бир иллатдан қутулдилар. Яқин-яқинларданям жамоа биргина электр қуввати учун йилига бир миллион, тоза сув учун ойига 120 минг сўм атрофида, табиий газдан фойдаланганлик ҳисобига ҳам талай пул сарфлар эди. Энди эса...

– Миллионлаб сўмларнинг ҳавога совурилгани юрагингда оғриқ уйғотади, – дея ҳикоя қилади Ваққосхон ака. – Сув, газ, электр қувватини мунтазам ҳисоб-китоб қилиб борадиган ўлчов асбоблари сотиб олдик.

– Натижа қандай бўлаяпти?

– Фақат электр қувватининг ўзидан 500-550 минг сўм тежаяпмиз. Сувни айтинг. Сарфимиз бор-йўғи 11-12 минг сўмга тушиб қолди. Бу – илгариги харажатимизнинг ўндан бир қисми. Табиий газ ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Айниқса, корхонамизда қимматли қоғозларнинг чиқарилиши нур устига аъло нур бўлди. Ҳар бир ходимга 20-40 донадан акция тарқатилди. 794 нафар киши бир вақтнинг ўзида 61.040 та қимматли қоғоз сотиб олди. Илғор ишчилар, пенсионерларга эса 23.200 дона акция имтиёзли нархларда берилди. Муҳими, унинг эгалари даромад ола бошладилар. Буларнинг ҳаммаси жамоани банкротликни четлаб ўтиб, вилоятдаги пешқадам корхоналар сафидан муносиб ўрин олишига имкон яратди.

Кимнинг бели бақувват бўлса, қўли ҳам узун бўлади, дейишади. Эҳтиёжидан ортиқ маблағни, албатта, моддий аҳволини мустаҳкамлашга, хайрия-саховат ишларига сарфлайди. Ўтган йили корхона ўз фойдаси ҳисобидан иккита «Дамас» микроавтобуси сотиб олди. Эрта-индин яна саккизта «Дамас» харид қилинади.

Биз юқорида хайр-саховат ҳақида фикр юритдик. Корхонанинг енгил такси машиналари Мустақиллик байрами куни йўловчиларга бепул хизмат кўрсатди. Транспортчилар эса 16-ўрта мактабнинг синфхоналарини қойилмақом қилиб таъмирлаб бердилар. Бундан ташқари, қаровчисини йўқотган, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларга ҳам имкон даражасида ёрдам бериб келинмоқда.

Бундай тадбирлар Оила йилида янада кенг кўлам касб этади. Шу мақсадда транспортчилар беш гектар ер олиб, ёрдамчи хўжалик тузишди. Чорва моллари учун бостирмалар қурилди. Эрта баҳордан озуқа экинлари экишга киришилади. Йил ўрталаридан бошлаб эса ишчи-хизматчилар арзон нархда гўшт, сут, тухум билан таъминлана бошлайди.

Айни кунларда эса 280 та енгил автомашина ва 112 та такси шаҳарликлар узоғини яқин қилмоқда. Улар йигирмата йўналиш бўйича кечаю кундуз аҳолига хизмат кўрсатаётир. Яқиндан бошлаб Боғишамол йўлдош шаҳарчаси, Олтинкўл туманига туташ «Жалабек» ва «Бўстон» даҳалари йўналишлари бўйича ҳам транспорт қатнови йўлга қўйилди.

– Ҳар куни кам деганда 12-14 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатамиз, – дейди корхона раҳбари. – Инсон манфаатлари йилида тўрт миллион 310 минг киши хизматимиздан баҳраманд бўлган бўлса, Оила йилида бу кўрсаткич янада ортади.

Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, дейдилар. Мазкур корхонанинг аҳил жамаоси фойдаланилмай ётган ички имкониятларни ишга солиш, тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очиш, хўжасизликка барҳам бериш, энг муҳими – ишга бўлган муносабатни бутунлай ўзгартириш орқали инқироздан батамом халос бўлди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Австрия пойтахти Вена шаҳрида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг уч кун давом эттан семинари ўз ишини муваффақиятли якунлади. Ушбу семинарда Европа қитъасида ҳарбий доктрина ва мудофаа сиёсати сингари хавфсизликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНМОҚДА

Россия Федерациясида ўтган 1997 йилда иқтисодиётда эришилган натижалар ва муаммолар мутахассислар томонидан таҳлил қилинмоқда. Жумладан, мамлакатда 1997 йилнинг 11 ойи мобайнида кўмир қазиб чиқариш 5,2 фоизга, электр энергияси ишлаб чиқариш 2,2 фоизга, табиий газ қазиб олиш 6,2 фоизга қисқарган. Фақат нефть қазиб олишда 1,1 фоиз ўсиш кузатилди.

Индонезияда ҳам халқнинг қадим урф-одатлари ниҳоятда қадрланади.

СУРАТДА: миллий либослардаги келин-куёв анъанавий тўй маросимида.

ЯНГИ ДОРИ КАШФ ЭТИЛДИ

Вьетнамлик олимлар гиёҳвандлик, кашандалик ва ичкиликбозлик касалига мубтало бўлган беморларни даволашда ишлатиладиган янги дори кашф қилишди. Таркибида турли хилдаги шифобахш ўсимликлар ёғи бўлган ушбу дори «Фуҳуса» деб аталади.

ЖИНОЯТЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Мексика пойтахти – Мехико полициясининг хабар беришича, машина ўғирлаш билан шуғулланиб келган тўрт нафар россиялик жиноятчилар қўлга олинган. Улар машиналарни, асосан, АҚШдан ўғирлаб, бошқа жойларга пуллашган.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АҲВОЛ ОҒИР

1996 йилда сув тошқини, 1997 йилда қурғоқчилик содир бўлиши Шимолий Корея қишлоқ хўжалигига оғир талофат етказди. Мамлакатнинг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 4 миллион тоннани ташкил этади. Аммо ўтган йили 2 миллион тоннадан зиёдроқ ҳосил йиғиб олинган, холос. КХДР айни пайтда халқаро жамоатчиликдан йирик миқдорда инсонпарварлик ёрдами олмоқда.

КИНОРЕЖИССЁР ЮБИЛЕЙИ

Голливудлик машҳур кинорежиссёр Стивен Спилберг 50 ёшлик юбилейини катта тантана қилди. Унинг номи АҚШдагина эмас, бутун дунёда машҳурдир. У яратган фильмлар энг бозори чаққон кинокартиналар сирасига киради. Кинорежиссёр яқинда ўзи ишлаган фильмлардан тўрт миллиард доллар фойда олган.

Хорижий оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

• Хориж матбуоти саҳифаларида

Америка Қўшма Штатларидаги «Жерон» биотехник тадқиқотлар корпорацияси ва Техас университети тиббиёт маркази олимлари ўзаро ҳамкорликда жаҳоншумул кашфиёт муаллифи бўлишди. Олимлар инсон организмидаги клеткаларнинг абадийлигини таъминлашди. Фақат, ҳозирча лаборатория шароитида.

АБАДИЙ ҲАЁТГА БИР ҚАДАМ

Маълумки, инсон организмидаги клеткалар мутассил равишда ферментлар ажратиб, бўлиниб туради. Фермент ажралиб чиққанда клеткалар қисқариб боради. Ёш инсон организмидан ажралган фермент — уни олимлар «теломераз» деб аташган — клеткаларни тезда қайта тиклайди. Инсон кексайган сайин клеткаларни қайта тикловчи «теломераз» ферменти йўқола бошлайди. Клеткалар қайта тикланмаслиги сабабли инсон қарийди ва охир-оқибат ҳаётдан кўз юмади.

Олимлар клеткаларни «теломераз» ишлаб чиқишга мажбур қилинса, кексайиш олди олиниши мумкинлигини назарий жиҳатдан аллақачон исботлашган эди. Лекин амалиётда бунга қандай эришишни ҳеч ким уддасидан чиқолмаётган эдида. Бундай ақл бовар қилмайдиган кашфиётни «Жерон» корпорацияси ва Техас университети олимлари яратишди. Лаборатория шароитида тадқиқ қилинаётган инсон организми клеткаларига ўтказилган «теломераз»ферменти ўтган йили август ойидан то ҳозирга қадар фермент ажратиб, клеткалар бўлинишини таъминлаб турибди.

Ўзининг эҳтиёткорлиги билан машҳур бўлган ушбу иш раҳбари профессор Райтнинг: «Биз жуда шубҳаланамизки, бу клеткалар абадий ҳаёт кашф этади», деб айтган сўзлари ишонч ва умид уйғотади.

Профессор Вудридж Райт телефон орқали берган интервьюсида, жумладан яна шундай дейди: «Кашфиётимиз ер юзидаги барча одамларга мангу ҳаёт бахш этадими? Йўқ. Аммо бу кашфиёт ҳаду ҳисобсиз имкониятлар очади. Бу иш инсон танасидан (беморлардан) клеткани олиб ёшартириш ёки шу пайтгача давосиз ҳисобланган наслий ва бошқа касалликларни даволаб, яна организмга қайтариш имконини беради». Мазкур тадқиқотда иштирок этган англиялик олим Жерри Шей: «Бу инсон ҳаётини чексиз равишда узайтиради» деб, америкалик ҳамкасблари эҳтиёткорлигига анчайин заҳа етказди.

Кашфиётнинг энг муҳим жиҳатидан яна бири шундаки, ушбу восита билан рак касалликларини ҳам даволаш мумкин.

Ушбу тадқиқотга миллионлаб пул сарфлаган «Жерон» корпорациясининг акциялари бирданига 40 фоизга ўсиб кетганлиги ҳам ушбу кашфиёт инсоният учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Қишлоқ инфратузилмаси: тараққиёт муаммолари

РЕЖАЛАР БАЖАРИЛЯПТИ-Ю...

Наманган туманининг Ғалча қишлоғи ҳудудида жойлашган фельдшер-акушерлик пунктининг лавҳаси алмаштирилди. Эндиликда у қишлоқ даволаш пункти, деб аталмоқда. Бу ном аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат турларини анча кенгайтиришни ва хизмат сифатини яхшилашни назарда тутади.

Бироқ янги даволаш пункти билан юзаки танишиш ҳам бу ерда тиббий хизмат сифати яхшиланишига ҳали анча борлигини кўрсатади. Масалан, қиш бошланганидан буён хона иситилмайди. Лавҳа ўзгартирилгандан сўнг бу ерда қандай ўзгаришлар бўлди, деган саволга жавоб излаб... бинонинг айрим жойлари шунчаки таъмирланганини аниқлашга муваффақ бўлдик. Фельдшер-акушерлик пункти номини шошилиб ўзгартиришнинг сабаби шундаки, ўтган йили барча зарур ишларни бажаришга вақт етишмади. Янги тиббий муассаса 1997 йил 31 декабрь куни ишга туширилди.

Бунгача вилоятнинг бошқа бир қанча туманларида даволаш пунктлари фойдаланишга топширилиши лозим эди. Лекин ўтган йилнинг декабри ўрталарига келганда Наманган вилоятида қишлоқ даволаш амбулаториялари ва фельдшер-акушерлик пунктларини қайта ташкил этиш топшириғининг ярмигина бажарилган эди. Қурилиши лозим бўлган 14 та қишлоқ даволаш пунктидан фақат тўққизтаси фойдаланишга топширилди. Шунга қарамай, вилоятда қабул қилинган қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастури 1998 йилнинг 1 январига қадар барча кўрсаткичлар бўйича бажарилди. Тўғри, қишлоқлардаги бир қанча соғлиқни сақлаш муассасаларини фойдаланиш учун тўла тайёр дейишга тил бормайди. Наманган, Мингбулоқ, Учқўрғон туманларида ўтган йилнинг декабрида ишга туширилган ва типавой лойиҳа асосида қурилган икки қаватли биноларда жойлашган даволаш муассасалари энг зарур асбоб-анжомлар билан ҳанузгача таъминланмаган, уларнинг ҳар бири учун қиймати икки миллион сўмдан кўпроқ турадиган тиббий асбоб-анжомлар зарур.

— Бундай даволаш пунктларининг ҳар бирида ташхис аппаратлари бўлиши шарт, бундай аппаратлар тағин ҳам қиммат туради, — деди Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бинолар ва иншоотлардан комплекс фойдаланиш бўлими бошлиғи Маҳмуджон Аҳмедов. — Шу сабабли уларни жиҳозлаш кечикиб кетмоқда.

Ўтган йилнинг охирида вилоятда мактабларни ишга тушириш топшириғи ҳам шошма-шошарлик билан бажарилди. Чунончи, декабрь ойининг ўрталарида 2500 тадан сал кўпроқ ўқувчига мўлжалланган мактаб биноларни тайёрланган эди. 1998 йилнинг 1 январига қадар бу рақам бирданига 3800 тадан ошиб кетди, бу эса кўзда тутилганидан анча кўп.

Бошқа кўрсаткичлар бўйича ижтимоий инфратузилма иншоотлари бир маромда ишга туширилди. Вилоятда маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш нуқталари кўпайди. Уйжой қурилиши ҳажми ортди. Сув қувурлари ётқизиш топшириғи икки баравардан зиёдроқ ошириб бажарилди. Қишлоқ аҳолисини табиий газ билан таъминлаш яхшиланди.

Бу катта ишлардан кўзда тутилган мақсад — қишлоқларни янада обод ва кўркам қилишдан, қишлоқ аҳлига шаҳарлардаги каби маиший, савдо ва тиббий хизмат кўрсатишдан иборат. Лекин қишлоқ аҳли учун мўлжалланган бу қулайликлар белгиланган муддатда етиб борса ва улар юқори сифатли ва ишончли бўлса нур устига аъло нур бўлур эди.

Назира ХЎЖАЕВА, ЎзА мухбири.

ABN·AMRO Bank

АБН АМРО БАНК МБ ЎЗБЕКИСТОН А.Ж.

Ўзбекистон халқини муқаддас мусулмон байрами – Рамазон ҳайити билан чин юракдан табриклайди!

Бу қутлуғ кунларда Ўзбекистондаги ҳар бир оилага яхшилик, хотиржамлик, муҳаббат ва бахт тилаймиз!

Санъат янгиликлари

ЎЗ РАЪНОМИЗ, ЎЗ АНВАРИМИЗ...

Атоқли сўз санъаткори, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи асосида «Ўзбектелефильм» студиясида кўп қисмли телесериалнинг яратилиши мустақиллик аталмиш янги даврнинг биз ижодкорларга яратган имкониятлари самарасидир.

Худоёрхон ва унинг муншийлари ҳаётидан олинган «Меҳробдан чаён» тарихий романининг ёзилганига шу йил 15 февралда роппа-роса 70 йил тўлади. Шу сана муносабати билан «Ўзбектелефильм» студияси ижодкорлари ушбу асарнинг янгича талқиндаги 15 қисмдан иборат телесериалини, айтиш мумкинки, телероманини яратдилар.

Модомики, Абдулла Қодирий романга ёзган сўзбошида айтганларидек, ҳар бир замоннинг ўз «Фарҳод-Ширин»лари, «Тоҳир-Зуҳра»лари бўлади. Раъно ва Анвар муҳаббатининг бу ажойиб қиссаси ўша халқ севган достонларнинг руҳига ҳамнафас, аммо яқин ўтмишдаги халқимиз ҳаётининг драмали мазмуни ила суғорилган ажойиб асардир. Маълумки, «Меҳробдан чаён» романи асосида машҳур режиссёр Й. Аъзамов томонидан ҳам бадиий фильм яратилган эди.

Телесериал ижодкорлари, хусусан таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳкам Муҳамедов асарга қаҳрамонлар излашда одатдагидан бошқачароқ ёндашдилар. Қодирий услубини, унинг руҳиятини бера олиш салоҳияти актёр маҳоратидан кўра зарурроқ, деган мақсадда асосий қаҳрамонлар образини ижро этиш учун уларни таниқли, маҳоратли актёрлар орасидан эмас, ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган янги персонажлардан, оддий халқ орасидан топишга ҳаракат қилинди.

Кўпгина изланишлардан кейин Раъно образини ижро этиш — Тошкент Санъат институтининг 2-курс талабаси Дилдора Рустамовага, Анвар — Фарғона шаҳар лицейининг тил-адабиёт ўқитувчиси Исломбек Маннаповга топширилди.

Улар ижро этган образлар ўзига хослиги, асар руҳиятига мослиги билан томошабин хотирасига ўрнашиб, ўз Раъноси, ўз Анварини кўз ўнгингизда шакллантириб туради.

Шуни ҳам айтиш керакки, Қодирий романларининг матни ўзбек адабий тилининг 20-йиллардаги латофатини ўзида мужассам этган. Сценарий муаллифи, ёзувчи Хайриддин Султон роман матнидаги ана ўша мужассамликни тўлиқ сақлай олган.

Албатта, янги телесериални, ҳар бир актёрнинг ижро маҳоратини баҳолаш томошабинларга ҳавола. Лекин шуни айтиш жоизки, «Ўзбектелефильм» фаолиятидаги катта ва янги талқиндаги бу телесериал навбатдаги улкан ишларга муносиб муқаддима бўла олади.

Раҳима СОДИҚОВА.

Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги олдидан

МУҲАДДИСЛАР ТУҒДОРИ

Жаноб пайғамбаримизнинг барча сифатлари ул кишининг кундалик ҳаётлари, юриш-туришлари, хулқ-одоблари, одамлар билан мулоқотлари, у ёки бу масала юзасидан айтган гаплари, кўрсатма-йўлланмалари, панд-насиҳату ўгитларида намоён бўлган. Расуллулоҳнинг сафдошлари, энг яқин кишилари, суҳбатдошлари — саҳобалар бу сифатлардан бевосита баҳраманд бўлганлар. Улар бу борада кўргану билганларини тобеинларга айтганлар, тобеинлар эса ўз навбатида бу ҳақда бошқаларга ривоят қилганлар.

Шуни айтиш керакки, пайғамбаримиз ҳаётлик чоғларида Қуръон оятлари билан ўз сўзларининг аралашиб кетиши ва мусулмонларнинг Қуръон билан суннатни фарқлай олмай қолиши андишасида ҳадисларини ёзиб боришни ман этганлар. Лекин у киши вафот этиб, саҳобалар ва тобеинлар ҳам биринкетин ҳаётдан кўз юмиши натижасида ҳадисларнинг унутилиб кетиши, нотўғри талқин этилиши, сохта ҳадислар юзага келиши хавфи пайдо бўлган. Машҳур машойиху уламолар бу хатарнинг олдини олиш мақсадида ҳадисларни қоғозга туширириш ва тўплаш зарур деган хулосага келганлар. Шу асосда бу муқаддас ишнинг фидойилари — муҳаддислар пайдо бўлган.

Буюк ватандошимиз ал-Бухорийнинг ҳадисларни тўплаш, шарҳлаш ва тарғиб этиш борасидаги жонбозлиги барча муҳаддисларнинг таҳсинига сазовор бўлган. Ул зот ҳадисларни қумдан олтин заррачаларини ажратиб олгандек тўплаб, китоб ҳолига келтирган ва уни авлодлар қўлига ишониб топширган. Бу фидоийлик уни муҳаддислар туғдори бўлишдек юксак шарафга муяссар этган.

Имом Исмоил ал-Бухорий 810 йилда Бухорои шарифда таваллуд топган. Ўн ёшидаёқ Қуръони карим ва Аллоҳнинг расули Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларини ёдлай бошлаган. Ўн олти ёшида онаси ва акаси билан бирга Ҳаж сафарини адо этиш учун Маккага бориб, ҳадис тўплаш мақсадида у ерда қолади. Ҳижозда олти йил шу илмни ўрганади. Ўн саккиз ёшида саҳобалар ва уларнинг ишларини давом эттирувчи тобеинлар ривоят қилган ҳадисларни тўплаб, "Тарих" китобини ёзади. У бир қанча мамлакатларда бўлиб, муҳаддислар билан танишади. Ал-Бухорий "Мен бир минг саксонта муҳаддисдан ҳадис эшитдим. Уларнинг ҳаммалари "Иймон — сўз ва амалдан иборатдир", деган эътиқоддаги кишилар эдилар", деб ёзган.

Аллома араб ўлкаларидан она юрти Бухорога қайтгунча ўзининг бутун ҳаёти ва фаолиятини ҳадис илмини мукаммал ўрганишга бағишлади. Бухорога қайтгач, толибларга шу илмдан дарс берди. Унинг тинимсиз ижодий изланишлари натижаси ўлароқ, ҳадис илмида шоҳ асар — халқ ўртасида "Саҳиҳи Бухорий" номи билан машҳур "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" ("Ишончли тўплам") дунёга келди.

Шуни айтиш керакки, Бухорий ҳадис илмида "Саҳиҳ" йўналишига асос солди. Бунинг маъноси шуки, тилдан тилга кўчиб юрган ҳадислар орасидан энг тўғри ва ишончлиларини танлаб олди.

Ўша давр уламою фузалоларининг далолат беришларича, ал-Бухорий 600 мингта ҳадисни ёд олган. Шулардан бор-йўғи 7 минг 250 тасини тўпламига киритган. Бугина эмас. У ҳадисларни шундоқкина китобига киритиб қўя қолмай, уларга маълум тартиб берган, мавзуига қараб бобларга ажратган. Яъни, "Саҳиҳ"нинг биринчи жилдига диний таълимот ва рукнлар, иккинчисига — шариат тартиб-қоидалари, учинчисига — илк ислом ва Қуръони карим тавсифи ва ниҳоят, тўртинчисига — урф-одат, маросим ва ахлоққа оид ҳадисларни киритган. Шунинг учун ҳам бу асар аллома ҳаёт чоғидаёқ энг етук ва мукаммал тўплам сифатида эътироф этилган. Исмоил ал-Бухорий ўзидан кейинги авлодларга жуда бой адабий ва илмий мерос қолдирди. Ул зот "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ"дан ташқари йигирмага яқин асар ёзди. Улар орасида "Ал-Адаб ал-Муфрад" — ("Адаб дурдоналари") алоҳида ўрин эгаллайди.

Йўлбошчимизнинг бевосита ташаббуси билан буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос, уларнинг номлари тикланиб, ўз ворисларига етказилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига тайёргарлик ишлари аллақачоноқ бошлаб юборилган. Қарорда бир қанча хайрли ишларни амалга ошириш белгилаб берилган. Унга кўра алломанинг хоки қўйилган Самарқандга яқин Ҳартанг қишлоғида шарқона меъморчилик анъаналари асосида ягона мажмуа бунёд этилади.

Истиқлол туфайли ал-Бухорийнинг номи қайта тикланди, бу табаррук қадамжонинг эшиклари бутун дунё мусулмонларига кенг очилди. Самарқандда ал-Бухорий меросини тадқиқ ва кенг тарғибот этиш жамғармаси фаолият кўрсатмоқда.

Шукрлар бўлсинки, Қуръон ва ҳадисни ўз она тилимизда ўқиш шарафига муяссар бўлдик. Уларни ихлос билан ўрганиб, иймон-эътиқод билан ҳалол яшаб, ҳалол меҳнат қилсак, танлаган йўлимиздан асло адашмагаймиз, иншоолоҳ!

Ёқуб ИБРОҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

МАЛАКА ОШИРИШ СЕМИНАРИ

Талабаларнинг қишки таътили пайтида Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан уюштирилган Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессор ва ўқитувчиларининг малака ошириш семинари умуман Тошкент шаҳридаги барча олий ўқув юртларининг илмий-амалий анжумани тусини олди.

Мазкур семинарда ижтимоий гуманитар, иқтисодий фанлар, маркетинг ва халқаро иқтисодий алоқалар, менежмент хизмати, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, иқтисодиётда ахборот тизимлари бўйича маърузалар тингланди.

Шу билан бирга семинарда таъкидланганидек, Олий ва ўрта махсус таълим тизимида ҳалигача кўпгина фан соҳаларида янги дастурлар, ўқув-услубий қўлланмалар яратилмаган, борлари эса бугунги кун талаби даражасида эмас, замонавий мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида мавжуд имконият ва омиллардан самарали фойдаланилмаяпти.

Иқтисодиёт университети ректори, академик С. Ғуломов ўз маърузасида жаҳондаги нуфузли ўқув юртлари билан ҳамкорлик, хориждан катта маблағ эвазига келтирилган адабиётлар ва фаннинг турли тармоқларига оид дастурлар таълим-тарбияни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганлиги, ҳозирда университетда махсус «Педагог» дастури ишлаб чиқилиб, таълим жараёнида интернет тизимидан кенг фойдаланиш кўзда тутилаётганлиги хусусида тўхталди.

Беш кун давом этган семинар-кенгаш сўнггида университет ректорининг биринчи ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор И. Сойипназаров барча қатнашчиларга Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисодиёт, бизнес мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти сертификатини топширди.

М. АБДУРАШИДОВ.



Тоғда қиш.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

Сафар тадориги

ШИФОКОРЛАР ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида"ги қарорига кўра Соғлиқни сақлаш вазирлигига зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда муборак сафар асносида уларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш вазифаси юклатилган.

— Айтиш жоизки, бу масалада вазирлигимизда муайян тажриба тўпланган, — дейди соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Равшан Султонов. — Бу йил ҳам барча ишлар ана шу тажриба ва бугунги кун талаблари асосида амалга оширилмоқда. Аввалги йиллардагидан фарқли ўлароқ, бўлажак ҳожилар тиббий кўрикдан вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг марказий шифохоналарида 18 февралга қадар ўтказилади.

Тиббий кўрикдан ўтган зиёратчилар муборак сафарга кетишдан бир ҳафта олдин айрим юқумли хасталикларга қарши эмланади. Айни пайтда бўлажак ҳожиларимизга ҳамроҳлик қиладиган ходимларимиз 130 хилга яқин дори-дармон олиб кетади. Диёримиз мусулмонларига ҳаж сафари давомида ўн нафар малакали тиббий ходим хизмат кўрсатади.

Беҳзод УСМОН,
ЎзА мухбири.

БЕКОБОДДА БИР МАҲАЛЛА БОР

Бекобод шаҳрига кираверишда, Тошкент – Фарғона йўлининг сўл томонида гўзал ва хушманзара бир макон дарҳол эътиборингизни тортади. У Мукимий маҳалласидир.

Маҳаллани ҳақли равишда кўп миллатли, байналмилал дейиш мумкин. Ўн тўрт миллат фуқаролари оға-ини, дўст-қадрдон бўлиб кетишган. Шаҳардаги энг йирик ва аҳолиси зич бўлган ушбу маҳалладаги мингдан ортиқ хонадонда беш мингга яқин киши яшайди. «Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп йиллар мобайнида самарали меҳнат қилиб, юрт шуҳратига шуҳрат қўшган меҳнат қаҳрамонлари Саид Нуриддинов, Ҳофиз Ғаниев ва Асад Эргашевлар маҳалланинг бугунги ёшлари учун ўзига хос ибрат мактабидир.

ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАР

Маҳалла аҳлининг ташаббуси билан шаҳар миқёсида ўтказилган «Дўст билан обод уйинг» деб номланган катта дўстлик байрами таассуроти ҳали-ҳали кўпчиликнинг ёдида. Унда қўшни Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларининг Сулукта, Лайлак, Нов ва Мастчоҳ туманларидан ташриф буюрган ҳокимлик вакиллари, фахрийлар ҳамда санъаткорлар қатнашди. Ҳар бир миллат вакили ўз она тилида дил сўзларини изҳор этди. Уларнинг юрак сўзларидан, меҳрли нигоҳларидан шу қутлуғ заминнинг, қадим Туркистоннинг томирлари бир эканлиги намоён бўлди.

Ҳақиқатан ҳам маҳаллада амалга оширилаётган ибратли ишлар кўп. Чунки муқимийликлар ҳар бир хайрли ишда, турли хил тадбирларда ташаббускор ва биринчилардандир.

Ҳар бир иш муваффақияти маълум даражада ўз ташкилотчисига боғлиқ. Маҳалла оқсоқоли Обиджон ака Ҳожиматовни Бекобод шаҳрида етти ёшдан етмиш ёшгача яхши танийди.

Етмишни қоралаган бу отахон пенсияга чиққан бўлса-да, мана бир неча йилдирки, маҳалла оқсоқоли деган масъулиятли юкни елкага олиб, одамларни аҳил ва ҳамжиҳатликка чорлашда, улар қалбида меҳр-оқибат туйғуларини юксалтиришда ҳормай-толмай келаётир. Эрта тонгда уйидан чиққан оқсоқол то ярим тунгача маҳалла ҳудудини айланар экан, маҳалла қўмитаси ишларини назорат қилишни, ташкилотма-ташкилот елиб-югуришни, шаҳар ҳокимлигидаги йиғилишларда қатнашишни, масжиддаги тоат-ибодатни, ҳатто кексалар, беморлар ҳолидан хабар олишни ҳам унутмайди.

Президентимиз Фармони билан маҳаллаларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига айлантирилиши Мукимий маҳалласи ҳаётида ҳам катта бурилиш ясади. Аввало, ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги йиллар ичида 4 та хусусий дўкон, болалар учун спорт-соғломлаштириш мажмуаси, тиббий назорат пункти ташкил қилинди. Шу кунларда янги гузар фойдаланишга топширилиш арафасида. Гузар ишга тушгач, бу ерда бир йўла сартарошхона, қассобчилик дўкони, пойабзалларни таъмирлаш устахонаси ҳамда новвойхона хизмат кўрсата бошлайди. Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, келгусида Саид Нуриддинов кўчасида миллий таомлар ошхонаси ва нуронийлар чойхонаси қурилиши режалаштирилган.

Ҳа, Обиджон ака етакчилик қилаётган бу маҳаллада ҳаёт доимо қайноқ. Кексаюёш бир зум тиним нималигини билмайди. Миллий ва маънавий қадриятларга алоҳида эътибор берилади. Унутилаётган урф-одатларни тиклаш, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида ёшларга касбий сабоқ бериляпти.

Иброҳимжон ИНОМОВ.

Футбол

МҲСКнинг ОМАДИ КЕЛМАДИ

Москвада футбол бўйича МДҲ чемпионлари кубоги мусобақаси кутилмаган натижаларга бой бўлмоқда. Тошкентнинг МҲСК клуби ушбу мусобақанинг «С» гуруҳида қатнашиб, зафар қуча олмади. Уч учрашув натижасига кўра МҲСК (бир ютуқ ва икки мағлубият) кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. 1/8 финал учрашувларига қадар собиқ СССР таркибига кирган мамлакатлардан Тожикистон, Арманистон, Молдова, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон чемпионлари ўйинлардан чиқиб кетди.

Нормурод МУСОМОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди марказий девони жамоаси бош маслаҳатчи

Ҳамиджон ЎРУНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси раҳбарияти ва жамоаси «Бухоротурист» ҳиссадорлик жамиятининг бошқарувчиси Мансур Зокировга отаси

Исо ЗОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

BUZTEL GSM BUZTEL GSM BUZTEL GSM BUZTEL GSM



Индонезиянинг уяли радиотелефон алоқасига ихтисослашган "БУЗТЕЛ GSM" компанияси ҳаммани муборак байрам — Ийд ал-Фитр, яъни Рўза Ҳайити билан чин кўнгилдан табриклайди ҳамда барчага оилавий тотувлик, мустаҳкам соғлиқ, ишларига ривож тилайди.

"БУЗТЕЛ GSM" компанияси Сизлар учун ажойиб совға ҳозирлади ва аминмизки, бу келажакда Сиз билан ҳамкорлигимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

BUZTEL GSM

доим Сиз билан!

Бизнинг манзилгоҳ:
Тошкент ш., "Ўзбекистон овози" кўчаси, 2, "Ле Меридиан" меҳмонхонаси.
Телефонлар: (3712) 132 06 49, 132 06 48, 105 04 54, 105 04 64, 105 00 59, 105 04 34, 105 04 77, 105 04 66. Факс: 40 63 55.

BUZTEL GSM BUZTEL GSM BUZTEL GSM BUZTEL GSM

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0903, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — О. Раҳимов.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 21.40 1 2 3 4 5 6